

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИКРАМОВА АЗИЗА АМИНОВНА

**XX АСР ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА ШЕЪРИЙ
ДРАМАНИНГ БАДИИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УДК:[821.512.133:821.111]-12"19".07

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Икрамова Азиза Аминовна

XX аср инглиз ва ўзбек шоирлари ижодида шеъринг драматизм бадиий
тараққиёти 5

Икрамова Азиза Аминовна

Художественное развитие поэтической драмы в творчестве английских и
узбекских поэтов XX века 29

Ikramova Aziza Aminovna

The Literary Development of the Poetic Drama in the Works of English and Uzbek
Poets of the XXth Century..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИКРАМОВА АЗИЗА АМИНОВНА

**XX АСР ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ШОИРЛАРИ ИЖОДИДА ШЕЪРИЙ
ДРАМАНИНГ БАДИИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil2104 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қувватова Дилрабо Хабибовна
филология фанлари доктори (DSc), профессор


Расмий оппонентлар: Қаршибаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори (DSc), профессор
Ҳажиева Феруза Мелсовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (191 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил «07» июль кuni тарқатилди.
(2022 йил «07» июльдаги 22-25 - рақамли реестр баённомаси.)



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий тур ва жанрлар назарияси, хусусан, шеъринг драманинг келиб чиқиш асослари ҳамда унда кечаётган синкретик ва синтез жараёнлари, шеъринг шаклнинг қадимийлиги масалалари, тараққиёт босқичлари ва поэтик хусусиятлари, бадий тафаккур тадрижи масалаларининг назарий талқинига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шеъринг драма генезиси, табиати, шаклланишига таъсир этган омиллар, бадий такомил босқичлари, синкретизм, мавзу ва ғоя, композиция ва сюжет, тарихийлик ва замонавийлик талқини, шоирнинг бадий тафаккур тарзи ва лирик қаҳрамон табиати каби илмий муаммоларни яхлит ҳолда текшириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида шеъринг драма назарияси, поэтикаси, лирик қаҳрамон табиати, тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима уйғунлиги, шеъринг нутқнинг ўзига хос жиҳатлари, драматик ва лирик тур хусусиятларининг кесишув жараёнлари, драматургияда инсон талқини, тарихий драмада бадий вақт, драматик матнда ремарканинг ўрни, бадий тил ҳақида изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан шеъринг драманинг инглиз адабиётидаги шаклланиши антик давр ва жаҳон адабиётининг ижодий-эстетик тажрибалари билан боғлиқлиги, тараққиёти, шеъринг шаклнинг афзаллик жиҳатлари, табиатига хос поэтик-композицион хусусиятлари, лирик ва драматик тур белгиларида синкретиклик, шеъринг драма структурасида монолог ва диалогнинг бадий вазифалари, эпиклик, драматиклик, лириклик хусусиятларининг синтезлашуви жараёнларини чуқур текшириш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг янги ислохотлар босқичига ўтиш жараёнида илм-фан соҳасидаги туб ўзгаришлар адабиётшунослик йўналишларини, унинг устувор вазифаларини муайян даражада белгилаб берди. Хусусан, инглиз ва ўзбек адабиётида шаклланиб, такомил топган шеъринг драмага хос хусусиятлар, жанрнинг юзага келиш омиллари, ундаги тасвир кўлами ва мавзулари, лирик ифода устуворлиги, драматизм ва эпизмнинг намоён бўлиши, синкретизм масалаларини ўрганиш билан боғлиқ мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, адабиётшуносликда ўзбек драмаси поэтик тили ва услуби, ижодкорнинг бадий тафаккур тарзи муаммолари ҳақида бир нечта илмий тадқиқотларнинг яратилганлиги аҳамиятлидир. Зеро, «Ёшлар ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданиятини ва миллий қадриятларини кенг тарғиб этиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш»¹ муҳим вазифа сифатида белгиланди. Шеъринг драманинг инглиз ва ўзбек адабиётида тутган мавқеи, жанр генезиси, табиати, адабий

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 16 январь. – Б. 4.

синтез масалаларини текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида» ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз адабиётшунослигида шеърий драма назарияси Г.Баркер, Д.Доноу, Ж.Л.Стьян, Х.Д.Ф.Китто, И.Славинска, А.Николл, Т.С.Элиот² каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Рус адабиётшунослигида Л.Садыкова-Грачева, Б.Алперс, А.К.Минакова, Ч.Добрев, Л.Г.Пригожина, С.Я.Гончарова-Грабовская, О.К.Страшкова, О.В.Журчева, Т.О.Власова, М.Меньшикова, Д.Н.Катышева³

² Granville-Barker, H. Theatre arts Anthology. New York: Atheneum, 1953. – P.85. M. Boulton. The anatomy of drama. London: Routledge and Kegan. 1960. – P. 115. Irena Slawinska. Sceniczny gest poety. Krakow: Wydawnictwo Literackie. 1960. – P. 232-236. H.D.F. Kitto. Form and meaning in drama. London: Methuen and Co. Ltd. 1964. – P. 231. J.L. Styan. The elements of drama. Cambridge: Cambridge University Press. 1959. – P. 177. Denis Donoghue. The third voice – modern British and American verse drama. Princeton, New Jersey: Princeton University Press. 1959. – P.3-18.

³ Садыкова-Грачева. О советской лирической драме 50-60-х годов. – Ташкент: 1972. Алперс Б. Судьба лирической драмы «Патетическая соната» в камерном // Театральные очерки. В 2 т. – М.: Искусство, 1977. Минакова А. К проблеме лирической драмы XX века (Блок, Маяковский, Есенин) // Проблемы советской литературы (метод, жанр, характер). – М.: 1978. – С. 21. Добрев Ч. Лирическая драма. – Москва, Искусство, 1983. Пригожина Л.Г Проблемы поэтической драмы и советский театр рубежа 1920-1930-х годов. Учебное пособие. – Л., 1991. – 74 с. Гончарова-Грабовская. Поэтика современной русской драмы (конец СС - начало ССІ века). – Минск, 2003. – 64 с. Страшкова О.К. Смыслы и формы «новой драмы» в истории русской драматургии конца XIX – начала XX века: дисс.док.филол.наук. – Ставрополь, 2006. –С . 58. Журчева О.

сингари олимлар ишларида махсус ўрганилган. Мазкур ишларда лирик драма (стихотворная драма) рус адабиётида XIX асрда А.С.Пушкин, Ю.Лермонтовлар ижодида юзага келганлиги, сюжети юнон мифологиясига бориб туташиши, XX аср бошларида такомилга эришганлиги ва жанрий табиатига хос хусусиятлар монографик планда ёритилган.

Ўзбек адабиётшунослигида шеърый драма жанри билан боғлиқ қарашлар И.Султон, Ҳ.Абдусаматов, Т.Бобоев, И.Жабборов, Н.Каримов, М.Саидхонов, М.Умарова, М.Фозилова, М.Азизова, М.Алиев, Б.Имомов, Ш.Ризаев, А.Солиев⁴ сингари олимларнинг тадқиқотларида драма жанрига хос хусусиятларни ўрганиш жараёнида шеърый шаклда ёзилган драматик асарларга муносабат билдирилган. Хусусан, И.Султон, Ҳ.Абдусаматов, Б.Имомовларнинг тадқиқотлари бу йўналишдаги салмоқли ишлардир. Қолаверса, ёш тадқиқотчи Г.Ходжиевнинг изланишларида шеърый драманинг ўзбек адабиётида вужудга келиши, генезиси, бадий таракқиёти ҳақида фикр юритилган⁵.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор жаҳон ва ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ, инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган шеърый драмалар яхлит бадий тизим сифатида тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари

Проблемы становления жанра «лирическая драма» в русской драматургии XX века // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2008. – С.222-228. О.В.Журчева. Жанровые и стилевые тенденции драматургии XX века. Учебное пособие <http://www.ssu.samara.ru/~scriptum/drama.doc.>; Власова Т.О. Поэтика стихотворной драмы Серебряного века. диссертация ... кандидата филологических наук. – Москва, 2010. – 209 с. М.Меньщикова. Жанровый код мистерии в немецкой драме XIX века // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2014, № 2 (3), с. 106–109. Катышева Д. Н.К 29 Вопросы теории драмы: действие, композиция, жанр: Учебное пособие. 2-е изд. – Санкт Петербург, Издательство Лань, 2016. –256 с.

⁴ Султон Иззат. Адабиёт назарияси. Т.: Ўқитувчи 1986. - 408 б. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. Т., Ғ.Ғулом номли АСН, 2000. Абдусаматов Ҳ.Ш. Драматургия ва ҳаёт. –Т.: Ўзбекистон, 1974. – 40 б. Абдусаматов Ҳ. Ҳаёт, адабиёт, театр. –Т.: Адабиёт ва санъат. 1978. – 400 б. Абдусаматов Ҳ. Театр танқид кўзгусида. –Т., Фан, 1993. Абдусаматов Ҳ. Қалб гавҳари // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2006, № 5-6, Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадий талқин. (М.Торобий ҳақида) // Ўзбек адабиёти ва санъати. 2005. 13 май. Бобоев Т. Қаҳрамонлик драмаси (М.Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” драмаси ҳақида). // Адабий мерос. 1991 йил. №3. –Б.40. Жабборов И. А.Орипов ижодида А.Темур образи. 2017, № 11. 47 б. Жабборов И. А.Орипов ижодида тарихий мавзу // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013, № 3. –Б. 66-68. Каримов Н. “Жлолиддин Мангуберди” трагедиясининг яратилиши. // Тил ва адабиёт таълими. 2013. № 6. 39 б. Саидхонов М. Драматик матнда ремарканинг ўрни. // Тил ва адабиёт таълими. 2009 йил № 5. – Б. 38. Умарова М. Тарихий драмада бадий вақт. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004. № 6. –Б 56-59. Фозилова М. Драмада давр ва инсон талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2013. № 6. –Б. 57. Азизова М. Ҳозирги ўзбек драматургияси. –Т.: Ўзбекистон. 1984. – 37 б. Алиев М. Драма ва ҳаёт. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Бадий адабиёт. 1969.- 168 б. Imomov K., Jo'raev Q, Nakimova N. O'zbek dramaturgiyasi tarixi. – Т.: O'qituvchi, 240 b. Имомов Б. Драматургик лавҳалар. –Т.: Адабиёт ва санъат. 1974. –178 б. Ризаев Ш. Жадид драмаси. Т.: Шарқ, 1997. – 320 б. Ризаев Шухрат. Истиклол даври ўзбек тарихий драматургияси. –Т., 2013. Солиев А. Ҳаёт, драматургия, қаҳрамон. –Самарқанд: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти Самарқанд бўлими, 1990. –76 б. Солиев А. Қаҳрамон руҳияти ва драматик вазият. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. № 4. –Б. 96. Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. – Т.: Зарқалам нашриёти, 2006. – 286 б.

⁵ Ходжиева Г. Ўзбек шеърый драмаси. –Бухоро, Дурдона, 2020. – 142 б.

режасидаги “Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни ўрганишни янада ривожлантиришнинг афзалликлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. XX аср инглиз ва ўзбек адабиётида шеърий драмаларнинг шаклланиш омиллари, ғоявий-бадий такомил босқичлари, ўзига хос поэтик-композицион хусусиятлари, жанр табиатида драматик ва лирик тур белгиларининг синкретлашиш қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шеърий драма генезисини, шаклланиш омилларини, бадий такомил босқичларини аниқлаш;

шеърий драма жанрий табиатига хос поэтик-композицион хусусиятларни очиб бериш;

шеърий драмада лирик ва драматик тур белгиларининг синкретикликда намоён бўлишини кўрсатиш;

шеърий драмада тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима муносабатини асослаш;

шеърий драма структурасида монолог ва диалогнинг бадий вазифаларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Т.С.Элиот, В.Б.Йейтс сингари инглиз; Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Иқбол Мирзо каби ўзбек шоирларнинг шеърий драмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини XX аср инглиз ва ўзбек адабиётида шеърий драманинг бадий тараққиёти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, лингвопоэтик, аналитик, психологик ва компонент таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

инглиз адабиётшунослигида “verse drama”, “poetic drama”, “dramatic poem”; рус адабиётшунослигида эса “лирическая драма”, “поэтическая драма”, “стихотворная драма” каби терминлар орқали ифода этилган шеърий драманинг жанр синкретизми жараёни маҳсули эканлиги, унинг лирик, эпик ва драматик тур хусусиятларини ўзида сингдирганлиги, динамик характер касб этиши, ғоявий-эстетик ҳамда композицион, яъни сюжет қурилишидаги бадий вазифалари далилланган;

шеърий драманинг генезиси Эсхил трагедиялари, Софоклнинг Эдип ҳақидаги ривоятлар асосида ёзилган асарлари “Эдип шоҳ”, “Эдип Колонда” ва “Антигона” асарлари, Уйғониш даври адабиёти ва ўзбек мумтоз адабиётидаги бадий маҳоратга хос такомил белгилари, индивидуаллик ҳамда умумийлик, яқинлик ва ўхшашлик (муштараклик) қирралари очиб берилган;

XIX-XX аср оралиғидаги адабий эврилишлар маҳсули бўлган шеърий драманинг специфик хусусиятлари: жанр намуналарининг сидирғасига (ремарка бундан мустасно) шеърда ёзилиши; лиризмнинг устуворлиги ва асосига маънавий муаммоларнинг қўйилиши; лирик “мен” муаллифнинг ўзи

эканлиги; бадий тўқима орқали лирик кечинма, исёнкор туйғуларни ифодалаш мумкинлиги; воқеликка ҳиссий муносабат билдиришнинг устунлиги аниқланган;

жанр табиатида драма, роман, достон (эпос ва лирика) табиатига хос белгиларнинг ўзаро синкретлашув хусусияти мусиқа, санъат ва шеър уйғунлиги (В.Б.Йейтс), лирик элементлар драматизм билан уйғунлик касб этиши (Т.Элиот), ҳиссиёт (шеърый шакл) ва воқелик (насрий шакл) тасвири мутаносиб келиши (Ойбек) кабилар аниқланиб, жанр такомилли “лиризм – шеърый шакл + драматизм – монолог, диалог + мусиқа (қўшиқ) + эпизм (воқеабандлик) = синкретик жанр” тарзида намоён бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

XX аср инглиз драмаларида монологнинг ички монолог (interior monologue), суҳбат-монолог, soliloque, aside – четда туриб гапириш, диалогнинг ташқи (outer dialogue), ички (inner dialogue) сингари хиллари аниқланган;

Ўзбек драмаларида монолог образ характерини очиб бериш, ички ҳис-туйғуларини акс эттириш, воқеалар устидан персонажнинг фикр-мушоҳадаларини акс эттириш, характерлар ўртасидаги коллизияни жонли ифода этиш (Ойбек, М.Шайхзода) сингари бадий вазифаларни бажариб келганлиги ёритилган;

XX аср инглиз шеърый драмаларидаги адабий қаҳрамонлар бир мунча қизиққон, ўта пафосли, томошабинни ўзига жалб қилишга уста қаҳрамонлар сифатида талқин этилганлиги (Т.С.Элиот); ўзбек драмаларида миллий озодлик курашчилари, машҳур тарихий шахслар образлари етакчилик қилганлиги (Ойбек, И.Мирзо) асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-типологик, лингвопоэтик, аналитик, психологик ва компонент таҳлил каби усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётда жанрлар назарияси, шеърый драма табиати масаласини ўрганишда, инглиз ва ўзбек драматургиясининг тараққиёт тамойилларини таҳлил этишда, жанр назариясини такомиллаштиришда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг инглиз тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, ўзбек филологияси факультетларида “Адабиётшунослик назарияси”, “Инглиз адабиёти”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан маъруза, махсус курс ва семинарлар ўтишда, амалий машғулотлар учун ўқув қўлланмалар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқишда, шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари, ўрта таълим мактабларида адабиёт дарсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертацияда ХХ аср инглиз ва ўзбек адабиётида шеърӣ драманинг бадиий тараққиёти бўйича олинган натижалар асосида:

шеърӣ драма назариясига оид қарашлар, унда монолог ва диалогнинг вазифалари, диалогнинг драма бадиий структурасида воқеалар ривож, характерлараро тўқнашувларни очиб берувчи муҳим унсур эканлиги акс этган фактик материалларга оид назарий хулосалардан ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2017-2020 йилларга мўлжалланган ФА-Ф1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 4 апрелдаги 17.01/102-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек адабиётида такомил топган шеърӣ драма жанр табиатига хос муҳим хусусиятлари, бадиий асарда, хусусан, драма структурасида диалог ва монолог муҳим ўрин тутганлиги аниқланган;

шеърӣ драма жанрида драмага хос белгиларнинг намоён бўлиши, унда синкретлашув жараёнларининг кечганлиги, лирик элементлар драматизм билан уйғунлик касб этиши, ҳиссиёт ва воқелик тасвири мутаносиб келиши билан боғлиқ илмий хулоса ва қарашлардан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Эрасмус+ дастури 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” мавзусидаги инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 10 майдаги 1114/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек адабиётида такомилга эришган шеърӣ драма бадиий структурасидаги ўзгаришларни назарий асослашга эришилган;

ХХ аср инглиз ва ўзбек шеърӣ драмалари назм ва драма унсурлари синтезининг ҳосиласи ўлароқ юзага келганлиги, бу хусусият жанр такомилда, поэтикасида акс этаётганлиги, бунда Шарқ ва Ғарб анъаналарининг уйғунлашиб бораётганлиги Т.Элиот, В.Йейтс, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, И.Мирзо каби ижодкорларнинг асарлари мисолида ўз илмий тасдиғини топиши сингари масалаларни ёритишда ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 4 апрелдаги 17.01/102-сон маълумотномаси). Натижада ХХ аср инглиз ва ўзбек адабиётида шеърӣ драмаларнинг шаклланиши ва бадиий тараққиёт хусусиятлари, илмий-назарий асосларини ёритишга эришилган;

ХІХ-ХХ аср оралиғидаги адабий эврилишлар маҳсули бўлган шеърӣ драманинг специфик хусусиятлари, жанр намуналарининг сидирғасига шеърда ёзилиши, лиризмнинг устуворлиги ва асосига маънавий муаммоларнинг қўйилиши, бадиий тўқима орқали лирик кечинма, исёнкор

туйғуларни ифодалаш мумкинлигига оид илмий-назарий хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларининг 2022 йил апрель ва май сонига сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 11 майдаги 1/100-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар орқали мухлисларнинг Т.Элиот, В.Йейтс, Ойбек, Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, И.Мирзо каби ўнга яқин ижодкорларнинг шеърӣ драмалари, сўнгги йилларда театр санъатининг ривожига ҳисса қўшаётган драматургларимиз ҳақидаги маълумотларини кенгайтиришга, миллий-маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрсатувлар сценарийсини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганганлик даражаси ёритилган, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шеърӣ драма жанри ўрганилган тадқиқотларнинг назарий асослари ва унинг табиати, генезисини белгиловчи хусусиятлар”** деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. Дастлабки фаслда жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида шеърӣ драмага оид илмий-назарий қарашлар тадқиқи ёритилган. Шу нуқтаи назардан Г.Баркер, Д.Доноу, Ж.Л.Стьян, Х.Д.Ф.Китто, И.Славинска, А.Николл, Т.С.Элиот сингари инглиз; Л.Садыкова-Грачева, Б.Алперс, А.К.Минакова, Ч.Добрев, Л.Г.Пригожина, О.К.Страшкова, О.В.Журчева, Т.О.Власова, Д.Н.Катышева каби рус; В.Раҳмонов, Д.Куронов, О.Ризаев, Б.Якубов, С.Мирзаев, Ҳ.Каримов, Ш.Ризаев, И.Жабборов Г.Сатторова сингари ўзбек олимлари тадқиқотлари, диссертация ва мақолалари мазкур жанр назариясига бағишланганлиги билан эътиборни тортади.

Адабий тур ва жанрлар муаммоси ҳамма даврларда адабиётшуносликнинг долзарб мавзуларидан бўлиб келган. Адабий тур деганда, воқеликни бадий ифодалаш усули тушунилади. Ҳозирги қадар адабиёт илмида воқеликни бадий акс эттиришнинг уч мустақил тури фарқланади: эпик, лирик ва драматик тур. Бу турлар, ўз навбатида, жанрларга бўлинади. “Жанр французча сўз бўлиб, тур, жинс маъносини билдиради. Бадий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишга, бадий тасвир принциплари ва воситаларига, баён усулларига, ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркуми”дир⁶. Бинобарин, бадий адабиётда ҳар бир жанр ўзининг шаклланиш асосларига эга. Адабиётшунос Д.Куроноф таъкидлаганидай: “Тарихий категория сифатида адабий жанрлар системаси муттасил ҳаракатда яшайди: янги жанрлар вужудга келади, такомиллашади, истеъмолдан чиқади; ҳар бир алоҳида жанрда ҳам муттасил сифат ўзгаришлари кузатилади, бадий ижод амалиёти унинг шаклий ва мазмуний хусусиятларига муттасил ўзгартиришлар киритиб боради”⁷. Ҳақиқатан, адабиёт тарихининг деярли ҳамма босқичларида янги жанрлар пайдо бўлади. Шеърӣ драма ҳам янги жанр сифатида ўтган асрнинг бошлари ўзбек адабиётида бадий воқеликка айланди. Бу жанр ўз спецификасига, табиатига, жанрий белгиларига эга бўлиб борди. У ўзбек адабиётида ўзини антик давр адабиёти, жаҳон адабиёти ва ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини синтезлаштирган мураккаб адабий ҳодиса сифатида ўзини намоён этди.

Инглиз адабиётшунослигида эса “verse drama”, “poetic drama”, “dramatic poem” сингари атамалар ишлатилади. Денис Доноу замонавий Британия ва Америка шеърӣ драмасини учинчи овоз деб баҳолайди (“The third voice-modern British and American verse drama”). Унинг таъкидлашича, шеърӣ шакл драмада турли вазиятлар ифодасига хизмат қилади. Бу орқали ҳар бир ҳолатни ҳиссийлик тўйинтиргача ҳолда акс эттириш мумкин. Қолаверса, сюжетнинг силжигача ҳам таъсир кўрсатади⁸. Яна бир машҳур назариётчи олим Ж.Л.Стьян шеърӣ шакли драмадаги вазиятнинг аниқ тасвирланиши ва исботланиши керак бўлган элемент деб ҳисоблайди. шеърӣ драма ёзувчиси шеър орқали фикрларини кенгроқ ифода этиши мумкин ва шу орқали кечинмани чуқур ва мазмунни ёрқин беришга эришилади⁹. Ёзувчи ва адабиётшунос олим Т.С.Элиотнинг фикрича, насрда ифода чуқурлиги ва шиддати чекланишини кўрсатиб беради. Назм драматик тил сифатида насрдан нафақат чуқурроқ, маъно бойлиги, балки ўйинга ҳаракат, ҳис-туйғу ва кайфиятнинг янада бирлигини бера олгани учун ҳам устундир¹⁰. Рус адабиётшунослигида “лирическая драма”, “поэтическая драма”, “стихотворная драма” терминлари синоним сифатида қўлланиб келинган. Рус олимаси Л.Садыкова-Грачева шеърӣ драмага хос хусусиятларни ўтган

⁶ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –Б. 204.

⁷ Куроноф Д., ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr,2010. –Б.100.

⁸ Donoghue D. The third voice – modern British and American verse drama. Princeton, New Jersey: Princeton University Press. 1959. – P.3-18.

⁹ Styan J.L. The elements of drama. Cambridge: Cambridge University Press. 1959. – P. 177.

¹⁰ Eliot.T.S. Confidential Clerk. Harcourt, Brace and Company, New York. 1954. – P. 26-27.

асрнинг 50-60 йиллари рус адабиётида яратилган асарлар мисолида очиб беради¹¹. Гончарова-Грабовская эса XIX аср охири XX аср бошлари рус драмаларига тўхталар экан, шу даврда ёзилган драмалар поэтикаси, модели, тузилиши, унда макон ва замон тасвири, яъни хронотоп масаласини таҳлил этади¹². Шу таҳлиллар давомида олима А.Блок, С.Есенин асарларига мурожаат этади. Д.Катышева драма назариясини ўрганар экан, унинг таркибида, композициясидан кечган ўзгаришларни очиб беради ва бевосита шеърый драма билан боғлиқ ҳолда жанр синтези масаласига тўхталади. Унинг фикрича, “Борис Годунов” асаридаги жанр синтези Пушкиннинг бошқа асарларидан тубдан фарқ қилади. Шоир бунда барча жанрлар, хусусан трагедия элементларидан унумли фойдаланган. Маълумки, бу янги жанр ҳақидаги назарий маълумотлар эндигина ривожлана бошлаган бўлиб, буни Пушкин мактубларидаги драма ҳақидаги фикрларидан ҳам билиб олиш мумкин¹³. Т.Власова эса шеърый драманинг янги ва ўзига хос жанр эканлигини таъкидлаган ҳолда, у, яъни шеър шаклидаги драма антик ва классик давр адабиётининг меросхўри деб ҳисоблайди. Унинг жанр назариясига оид қуйидаги қарашлари ҳам эътиборни тортади ва айтиш мумкинки, шеърый драмага берилган таъриф, дейиш мумкин: “Шеърый драмалар янгича театр кўринишини яратди, энди театрлар поэтик, тушунарли ва томошабинга яқин жиҳатларга эга бўлди. Бу жанр биринчи ўринда маиший муаммоларни эмас, балки маънавий муаммоларни ёритишни қўйди. Афзалликни кўзимизга кўринадиган ҳаётни эмас, балки аслида бор дунёни кўрсатишга берди, бунда масалани четда турган муаллифнинг “мен” таҳлилларига қараб акс эттиради. Натижада аниқ даврга тааллуқли зиддиятлар вақт билмас зиддиятларга айланади, “муаллифнинг бадий тўқимаси асосида баъзан зерикарли, аслида исёнкор туйғуларни юзага чиқаради”¹⁴. Кўринадики, шеърый драма асосида маънавий муаммолар ётиши, “лирик мен” образи, исёнкор туйғуларни ифода этиши кабилар шеърый драманинг спецификасини белгилаб беради.

Адабиётшунос олим С.Мирзаевнинг XX асрда яратилган «Муқанна», «Истанбул фожиаси», «Соҳибқирон» шеърый драмалари ҳақида билдирган фикрлари жанр назариясига оид айрим жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. Жумладан, у ёзади: «Муқанна» (1943) уруш йилларидаги ўзбек драматургиясининг жиддий ютуғи ҳисобланади. «Муқанна» драмасида Ватанга муҳаббат, босқинчи ёвга нафрат ғояларини олға суришда тарихий ўтмиш мавзусидан моҳирона фойдаланилган. Драмада боболарнинг Муқанна бошчилигида араб истилочиларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши усталик билан кўрсатилган. Драматург араб истилочиларини қоралаган ҳолда

¹¹ Садыкова-Грачева. О советской лирической драме 50-60-х годов. – Ташкент, 1972. –С. 128.

¹² Гончарова-Грабовская. Поэтика современной русской драмы (конец СС -начало СС1 века). – Минск, 2003. –С.64.

¹³ Катышева Д. Н.К 29 Вопросы теории драмы: действие, композиция, жанр: Учебное пособие. –2-е изд., испр. и доп. –Санкт Петербург: Издательство Лань, 2016. –С.214.

¹⁴ Власова Т.О. Поэтика стихотворной драмы Серебряного века. диссертация ... кандидата филологических наук. –Москва, 2010. – С.10.

араб халкига дўстона муносабатни ифода этади»¹⁵. Бунда олим уруш йиллари драматургиясида муҳим ўрин тутувчи Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» асари асосида ётган бадиий ғояни очиб беради. Қолаверса, олим асарнинг бадиий шаклига ҳам эътибор қаратади: «Шеърый йўл билан ёзилган «Муқанна» драмаси мазмун теранлиги ва бадиий шаклининг мукамаллигига кўра «Отелло», «Гамлет», «Алишер Навоий» каби машҳур сахна асарларига яқин туради. Атоқли ёзувчи А.Фадеев: «Муқанна» пьесаси ғоят зўр истеъдод билан ёзилган», – деб таъкидлаган эди. Драмашунос олим Шухрат Ризаев ҳам «Соҳибқирон»ни анъанавийлиги, бадиий шакли нуқтаи назардан ўзбек адабиётида яратилган шеърый драмаларнинг давоми сифатида қайд этади: «Юксак қаҳрамонлик, тантанавор рух, муҳаббат устувор бўлган спектаклда Амир Темур сиймоси халқ ва мамлакат бирлиги учун курашган, адолатни бош шиор билиб, ўз юртида улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган буюк давлат арбоби, ватанпарвар шахс сифатида кўрсатилади. Бундай талқин шеърый драма табиатига тўла мувофиқ эди. Абдулла Орипов Соҳибқирон сиймосини яратишда Мақсуд Шайхзода, Уйғун ва Иззат Султон анъаналаридан ижодий фойдаланиб, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа миллий қаҳрамонлар образларини гавдалантиришнинг сахна адабиётига хос қаҳрамонона-фалсафий талқин тажрибаларини истифода этади. Зероки, бу Истиклолнинг дастлабки йиллари маънавий-мафкуравий ислохотлар, кишиларимиз дунёқарашини ўзгартириш мақсадларига ҳамоҳанг эди»¹⁶.

Жанр назариясига оид юқоридаги талқинларга таяниб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

адабий жанрлар системаси динамик характер касб этади. Яъни ҳар бир давр адабиётида қайсидир жанр пайдо бўлади ва замонлар ўтиши билан барқарорлашиб боради. Шеърый драма ҳам шундай жанрлар силсиласида туради;

замонавий инглиз ва ўзбек адабиётида шеърый драма антик давр адабиёти, жаҳон адабиёти ва ўзбек мумтоз адабиётининг синтези сифатида юзага келди;

шеърый драма жанр синкретизми жараёни маҳсули сифатида лирик, эпик ва драматик тур хусусиятларини ўзида сингдира борди. Шеърый шакл, драматизм, трагедияга хос фожеавийлик, воқеабандлик кабилар уйғун ҳолда намоён бўлади;

шеърда лирик “мен” орқали воқеликка руҳий муносабат билдирилади, қаҳрамоннинг ички кечинмалари тасвирига кенг ўрин берилади. Бу драма таркибидан ўрин олган лирик кириш, лирик чекинишларда ўз ифодасини топади.

Бобнинг иккинчи фасли “Шеърый драманинг юзага келиши, генезиси ва жанр табиатига хос хусусиятлар” деб номланган ва жанр асосларига назар солинган. Жаҳон адабиёти тарихида узоқ асрлик тараққиёт босқичларини босиб ўтган жанр шеърый драмдир. Жуда узоқ вақт давомида шеърый драма

¹⁵ Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б.276.

¹⁶ Ризаев Ш. Истиклол даври ўзбек тарихий драматургияси. www.ijod.uz

Европада ва ундан ташқари маданиятларда ҳам драманинг асосий шакли бўлган. Юнон трагедияси ва Расин пьесалари, Уильям Шекспир, Бен Жонсон ва Жон Флетчернинг деярли барча драмалари ва Гётенинг Фауст ва Генрик Ибсеннинг илк пьесалари шеърий драма шаклида ёзилган. Европанинг кўп қисмида шеърий драма таниқли санъат тури сифатида машҳур бўлса-да, инглиз анъаналарида деярли фақат Шекспир билан боғланган¹⁷. Шеърий драма томошабинларга эстетик таъсир уйғотади, унда қаҳрамоннинг қалб овозини, ҳиссиёт тўлқинларини ҳис этиш мумкин. Шеърий драма прозаик драмадан кўра кўпроқ кайфият, лаҳзалар ва ҳис-туйғуларни ифодалайди. Шеърийят ва драма бир-биридан ажралиб турадиган иккита элемент эмас. Улар битта тананинг иккита шохидир. Бинобарин, драма шеърининг ажралмас қисми ва шеър драмага айланади. Шу нуқтаи назардан, драма ва шеърийят бир-бирига уйғунлашган. Демак, драматик асар сифатида драма ва шеърийят бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, «қўшалок нуқтаи назардан, унинг қанчалик шеърий ва қанчалик театрлаштирилганлигидан келиб чиқиб қараш мумкин. Бу иккиси асло ажралмас» дир¹⁸. Энг қадимги пьесалар ва дунёнинг энг буюк дostonлари – «Илоҳий комедия», «Инжил», «Рамаёна», «Маҳобҳарат» шеърий усулда ёзилган. Шеърий драманинг яна бир хусусияти, сахнадаги ҳаётини манзаралар томошабинда эҳтиросли кечинмалар уйғотади. У насрий драмага қараганда кўпроқ завқ бағишлайди; бундай асар томошабинига иккита сифати билан ёқади: биринчиси, қизиқарли сюжетнинг хатти-ҳаракат уйғунлигида берилиши; иккинчиси, шеърийят, мусиқа ва ритм уйғунлигидаги эстетик таъсирчанлик. Бинобарин, яхши шеърий драма театрлаштирилган ва ҳис-туйғуларни уйғотувчилик хусусиятини касб этади. Шу жиҳатдан шеърий драма ҳам ана қайноқ адабий жараённинг маҳсули сифатида бадиий воқеликка айланди. Колриджнинг «Биография адабиёти» («Biographia Literaria») асарида шеърий ифода табиати кечинмани воқеа билан уйғунликда теран акс эттириши жиҳатидан насрга қараганда қулайлигини эътироф этади. Аслида бу жанрнинг белгилари жаҳон адабиётида антик давр адабиёти, Уйғониш даври жаҳон адабиёти адабиёти бағрида шаклланиб, тараққиёт йўлига кирган. Шу боис шеърий драма генезисини: 1. Антик давр адабиёти. 2. Уйғониш даври жаҳон адабиёти билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш мумкин.

1. Маълумки, *қадимги юнон адабиётида* драматик жанрлар шаклланиб, тараққий этди. Антик адабиётда яратилган шеърий трагедиялар бугунги шеърий драманинг яратилишига асос бўлди. Эрамиздан аввалги асрларда юнон жамияти ижтимоий-сиёсий жиҳатдан юқори босқичга кўтарилган. Антик адабиётда драматик асарлар деярли шеър ёзилган. Шунинг учун бўлса керак, адабиётшунос Д.Курунов: “Шеърий нутқ бадиий нутқининг шеърий шаклларида қадимийроқ, аниқроғи, ўз вақтида у бадиий нутқининг ягона шакли бўлган. Миллий адабиётлар тарихининг илк босқичларида адабий асарлар шеърий йўл билан ёзилган... Сабаби, шеърий нутқдаги ўзишга хос ташкилланиш уни одатдаги нутқдан кескин фарқлайди ва шунинг ўзиёқ

¹⁷ Lech Kasia *Dramaturgy of form // Performing verse in contemporary theatre*. Retrieved: Routledge & CRC Press, 2020-10-08. – P. 119.

¹⁸ Caroline D. Leben D. Caroline Michaelis-Böhmer-Schlegel-Schelling, 1763-1809. – P.31.

етказилаётган информация санъатга алоқадор эканини таъкидлаб туради. Зеро, шеърий нутқ сўз санъатига хос махсус ҳодисадир”¹⁹ – деб ёзади. О.Власованинг қуйидаги фикрлари ҳам шеърий драма генезиси жаҳон адабиётининг антик ва Уйғониш даврига бориб тутадини тасдиқлаб туради: “Жанр янги ва ўзига хос бўлишига қарамасдан аслида шеър шаклидаги драмалар антик ва классик давр адабиётининг меросхўридир, П.Н.Сакулиннинг фикрича, романтизм давридан неоромантизм босқичига ўтган драмалардир. Шу боис шеърий драмалар 2 та асосий феноменга бўйсунди – ташқи жиҳатдан лирик феномен ва ички жиҳатдан драматик асарларга тааллуқли бўлиши шарт”²⁰.

2. *Жаҳон адабиёти.* Антик адабиётдаги катта ҳажмли асарларни шеърда ёзиш анъанаси XVI аср инглиз адабиётида ҳам давом этди. Бу жиҳатдан В.Шекспир, Ф.Шиллер асарлари эътиборли. Жумладан, Вильям Шекспирнинг драматик турга мансуб асарлари деярли шеърий шаклда битилган. “Гамлет”, “Отелло” асарлари нинг бадиий жозибаси шеърий нутқ билан боғлиқ. Қолаверса, бу шеърий шакл жаҳон адабиёти мавжуд вазнлар қонуниятларига ҳам мос келади. Шекспирдан сўнг немис адабиётида, аниқроғи, Фридрих Шиллер ижодида шеърий драмалар яратилгани маълум. Унинг “Макбет”, “Макр ва муҳаббат” асарлари шеърда ёзилган драматик асарларнинг мумтоз намуналаридир. Рус адабиётида эса А.С.Пушкин, Ю.Лермонтов каби мумтозлар ижодида шеърий драма катта мавқе эгаллади. Юнон драмаларидаги анъанавийлик хусусияти драматург ижодида ўзига хос бадиий шаклда намоён бўлди. Бу қарашларни академик Иззат Султон фикрлари тасдиқлаб туради: “Жаҳон адабиёти тарихида шеърий шакл устунлик қилган даврлар бўлди. (Масалан, XV аср ўзбек адабиётида ғазал ва маснавий, Европада классицизм ижодий методи даврида шеърий драма ҳукмрон эди”²¹. Ҳақиқатан, Иззат Султон шеърий драманинг қадимийлигини таъкидлаган ҳолда, унинг генезисини ҳам антик давр адабиёти билан боғлайди.

3. *Ўзбек адабиётида шеърий драма* генезиси Шарқ, аниқроғи, мумтоз адабиётга бориб тутади. Хусусан, мунозара жанридаги ва маснавий шаклида ёзилган асарлар мисолида мулоҳазаларимизни асослашга ҳаракат қиламиз. Бинобарин, мунозаранинг тортишув асосига қурилиши шеърий драма жанри табиатини белгилаб беради. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовлар мунозаранинг учта жиҳатини таъкидлайдилар: 1. Айтишув, баҳслашув тарзида ёзилиши. 2. Назмда ҳам, насрда ҳам битилиши. 3. Мумтоз адабиётдаги мунозараларнинг кўпроқ мажозий образларга асосланиши. 4. Унинг баъзан катта эпик асар тўқимасида келиши²². Бунда ҳам шеърий драмага хос хусусият баҳслашув тарзида ёзилиши ва назмда ҳам битилиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлган.

¹⁹ Қодирий А. Ўтган кунлар: Роман. – Т.: Шарқ, 2009. – Б.5.

²⁰ Власова Т.О. Поэтика стихотворной драмы Серебряного века. Диссертация ... кандидата филологических наук. – Москва, 2010. – С.4.

²¹ Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1986. –Б.263.

²² Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 204.

Диссертациянинг иккинчи боби “**XX аср инглиз ва ўзбек шоирлари ижодида шеърий драманинг таракқиёт хусусиятлари**” тарзида номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Даствлабки фаслда шеърий драмада синкретлик хусусиятининг намоён бўлиши масаласига эътибор қаратилган. Инглиз адабиётида назариётчи олим Ж.В.Ловен “Синкретизм турли маданиятлар элементларининг комбинацияси бўлиб, бирор нарсани янада экстравагант (бўрттириб кўрсатиш) қилиш учун ишлатилади. Синкретизм динлар, ҳикоялар, шеърлар ва бошқа кўп нарсаларга асосланган” деб таъриф беради²³. Инглиз драмаларида эса синкретиклик асарнинг лирик, эпик ва мусиқий хусусиятларининг бирлашуви, диний ва дунёвий мавзуларнинг биргаликда ёритилишида намоён бўлади. В.Б.Йейтснинг “Шох остонаси” (The King’s Threshold) драмасида ҳам мусиқа, санъат ва шеър уйғунлигини кўриш мумкин. Асарнинг кириш қисмида қиролнинг даствлабки нутқиданок мусиқа жозибасини ҳис қилиш мумкин.

King

I welcome you that have the mastery
Of the two kinds of music; the one kind
Being like a woman, the other like a man;
Both you understand stringed instruments
And how to mingle words and notes together ²⁴

Қиролнинг бу монологиди мусиқа асбобларидаги қора ва оқ клавишалар мусиқа ёрдамида сўзларни санъат даражасига олиб чиқиши ифодаланади, бунда қахрамон “like a woman, like a man” каби метафорасини ишлатади.

Инглиз драмаларида Т.С.Элиот бир нечта лирик элементларни, даствлабки шеъриятида драматикликни киритди. Бу унинг монологларида “Бўш ер” (The Waste Land, 1922) асарида намоён бўлди. Элиот шеъриятида жуда кўп драматик элементлар бўлганлиги каби, драмаларида лирик ва драманинг ўзаро таъсирни кузатиш мумкин. Масалан, С.Агонистеснинг “Жаноб Элиотнинг яқшанба куни эрталабки хизмати” қисмида Свиней ҳаммомда айланиб юради, бу жуда кўп нарсаларни ўз ичига олган ажойиб тасвир шарҳларидан иборат:

Sweeney shifts from ham to ham
Stirring the water in his bath.
The masters of the subtle schools
Are controversial, polymath ²⁵(Complete 55, ll. 29-32).

Рус адабиётшунослигида синкретизм муаммоси тадқиқ этилган ишларга, жумладан, И.Лысков, А. Веселовский, Н.Тамарченко, С.Бройтман, В.Тюпа²⁶ сингари олимлар тадқиқотларига муносабат билдирилган. Мазкур термин

²³Loewen W., <https://books.google.co.uz/books> 2017

²⁴ W.B. Yeats. The King’s Threshold. <https://www.gutenberg.org/ebooks/41102>. – P.2.

²⁵ Eliot T.S. The Complete Poems and Plays. London: Faber and Faber, 1969. –P. 94.

²⁶ Лысков И. Синкретизм // Литературная энциклопедия: Словарь литературных терминов: В 2-х т. – М; Л.: Изд-во Л. Д. Френкель, 1925. Т. 2. П-Я. – С. 788–798. <http://feb-web.ru/feb/slt/abc/lt2/lt2-7881.htm>. Веселовский А. Н.. Историческая поэтика. – М, Высшая школа, 1989. – С. 224. Теория литературы. В 2-х т. Т. 2: Учеб. пособие. Бройтман С.Н. Историческая поэтика /Под ред. Н.Д. Тамарченко. – Москва: Академия, 2004. –С. 72-110.

адабиётшуносликда XIX аср ўрталарида айнан адабий турлар (лирика, эпос ва драма) нинг пайдо бўлиш жараёни муаммоларини ўрганиш жараёнидаги қарама-қаршиликларни изоҳлаш сифатида қўлланила бошланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида синкретизм Вилгельм Шерьер томонидан термин сифатида таърифлана бошланганлигига қарамасдан, атама фақат поэзияга нисбатан қўлланилишда давом этди. И.Лысков синкретизмнинг қадимийлигини, антик давр адабиётида намоён бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. А.Веселовский синкретизм масаласини махсус ўрганар экан, ёзади: “Шеърятдаги синкретизм атамаси бугунга қадар адабий танқидчиларнинг жуда баҳсли таърифларига сабаб бўлган. Биринчи навбатда, синкретизм: 1) маданий жиҳатдан қуйи поғонада турган ибтидоий халқларнинг маиший ҳаёти акс этган оғзаки ижоди намуналари синтезидир. Қолаверса, бугунги кунда 2) замонавий, маданий жиҳатдан тараққий топган халқларнинг ўзаро муносиб ва номутаносиб ҳаёт жиҳатларининг ижодга кўчиши сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин”²⁷. Кўринадики, назарийётчи олим, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарида, шу билан бирга, замонавий адабиётда жанрий уйғунлик мавжудлигини таъкидлайди. Бу билан у синкретизмнинг илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб боғланишини асослайди. А.Веселовский бу борадаги фикрларини давом эттириб, ёзади: “Шеърятда синкретизм ҳақида гапирар экан, В.Шерер антик давр лирикасида эротик йўналишнинг кириб келиши воқеаларнинг 2 хил шаклда – шеърый ва бошқа шаклларда ёзилишига сабаб бўлганлигини айтади. Шу сабабли ҳам шеърый шаклда драматик асарларни ёзиш анъанаси шаклланди”²⁸. Бундан кўринадики, А.Веселовский ҳам синкретизм ҳодисаси антик давр адабиётида, аниқроғи, драматик асарларда намоён бўлганлигини тасдиқлайди. Бунга сабаб, қадимги юнон адабиётидаги драматик асарларнинг шеърый йўл билан ёзилишидир. Зеро, асарда шеърый ва драматик унсурлар ўзаро бирикиб кетишида диалоглар муҳим аҳамият касб этиши, уларнинг мазмунида қаҳрамон ҳаракатининг йўналиши, қаҳрамон руҳияти ва кайфияти, кечинмалари ҳам акс эттирилиши, шу орқали персонажларнинг ҳаракат ва интилишлари, характер-хусусиятлари очиқ берилиши каби жиҳатларга эътибор қаратилган. Т.С.Элиот асарларида лирик элементлар драматизм билан қоришиқ ҳолда берилган. Масалан, «Sweeney Agonistes» асарининг «Жаноб Элиотнинг якшанба куни эрталабки хизмати» қисмида Свиней ҳаммомда айланиб юриши сахналарида бу кўзга ташланади:

Sweeney shifts from ham to ham
Stirring the water in his bath.
The masters of the subtle schools
Are controversial, polymath ²⁹.

Агамемнон услубида ёзилган «Свиней булбуллар орасида» (Sweeney among the Nightingales) шеърда Свинейнинг ҳаммомда бўлиши нафақат қотилликка уринишнинг белгисидир, балки қизнинг жасадини ҳаммомда

²⁷ Веселовский А. Н.. Историческая поэтика. – М, "Высшая школа", 1989. – С. 40.

²⁸ Веселовский А. Н.. Историческая поэтика. – М, "Высшая школа", 1989. – С. 42.

²⁹ Eliot T.S. The Complete Poems and Plays. – London: Faber and Faber, 1969. – P. 28.

сақлаган қотил ҳақидаги муҳокамасига ҳам бағишланган³⁰. Асарда синкретизм драматизм ва лиризм уйғунлигида акс этган. Драма қаҳрамони Свиней билан боғлиқ қотиллик режаси ифода этилган саҳналар драматизмга бой. Шеърӣй шакл шу нуқтадаги кескинлик ва зиддият ҳолатларини ёрқин кўрсатиб беришга хизмат қилган.

Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» асарида синкретиклик хусусияти ёрқин кўзга ташланади. Унда монолог, диалог, мусиқа уйғун ҳолда келган. Натижада драматизм, эпизм ва лиризм бирлашган. Лиризм етакчи хусусият касб этган. Асар қаҳрамони Жамиланинг монологида ҳаётсеварлик ҳисларини туйиш мумкин. Бу кайфият унинг қалбида ғунча очган муҳаббат туфайлидир. Шоир шундай муҳаббат лаҳзаларини Жамиланинг сопол кўза кўтариб, шарқираб оқиб турган сув бўйида қуйлаган қўшиғи тасвирида беради. Демак, бунда асар мусиқа билан уйғунлашади ва бу синкретлашувнинг бир қиррасини намоён этади.

Бобнинг иккинчи фаслида шеърӣй драмада тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима уйғунлиги ўрганилган. Шеърӣй драма тараққиёти кўздан кечирилса, уларнинг кўпроқ тарихий мавзуда ёзилганлиги аёнлашади. Жумладан, Т.Элиотнинг «Сардобадаги қотиллик» поэтик драмасининг бош қаҳрамони Беккет – тарихий шахсдир. Хусусан, Т.С.Элиот драманинг бошланиш қисмини 1170 йил декабрда, яъни Томас Беккет ўлдирилган ойдан бошлайди. Беккет Англия қироли Генрих II билан кескин келишмовчиликлар туфайли Франциядаги сурғунидан кейин Англияга қайтиб келади. Генрих ва Беккет илгари яқин дўст бўлишган ва қирол Беккетни Кентербери архиепископи этиб тайинлаган эди, бу унинг дўсти тожнинг содиқ хизматкори эканлигини исботлайди. Бироқ Беккет ўзининг руҳий ҳолатини ҳар қандай дунёвий қирол ҳокимиятидан анча устун деб билади ва дўстлар ўзаро келиша олмайдилар. Англия тарихидан маълумки, авлиё Томас Беккет Кентербери сардобасида Генрих II рицарлари томонидан ўлдирилган инглиз архиепископи ва шаҳиди эди. Ўлимидан сўнг қабри ва осори-атиқалари зиёратгоҳга айлантирилган. Тарихдан маълумки, Генрих II 1154 йилда Стивеннинг ўрнига тахтга ўтиради ва кейинги йили у Беккетни Англия канслери лавозимида кўтаради. Беккет қирол билан жуда яхши муносабатда бўлади ва унга етти йил давомида давлат арбоби ва дипломат, ҳаттоки аскар сифатида хизмат қилади. Беккет ўзидан ўн икки ёш кичик бўлган қиролнинг маълум бир маслаҳатчиси ролини ўтаган ва кўплаб қироллик бошқарувидаги ислохотларнинг ҳақиқий асосчиси бўлган бўлиши мумкин. Архиепископ Теобалд 1161 йилда вафот этади ва Генри Беккетни унинг вориси этиб тайинлашни таклиф қилади. Беккет дастлаб қаршилик кўрсатади, бироқ, қирол янги мансабни динга хизмат сифатида қабул қилишга ундаганидан сўнг, Беккет Англияда катта черков аъзоси бўлишга рози бўлади. У ўзининг янги масъулиятини жиддий қабул қилади, саховатпеша инсон сифатида танилади. У канцлерлик лавозимидан истеъфога чиққанида тезда қирол билан зиддият содир бўлади. Улар ўртасида солиққа тортиш ва қиролнинг руҳий ҳолати каби кўплаб масалалар бор эди, 1170-йил 29-декабр куни кечки пайт Кентерберида етиб

³⁰ Smith G. Eliot T.S Poetry and Plays: A Study in Sources and Meaning. 1956. Second ed. Chicago, – London: University of Chicago Press, 1974. –P. 45.

келган киролнинг рицарлари уни турган жойида ўлдиришади. Бекет ҳақиқий авлиёдек вафот этган, дейишади³¹.

XX аср ўзбек шеърий драмаларида тарихий шахслар ҳаёти реал воқелик ва бадиий тўқима уйғунлигида ифода этилган. Бу асарларда ватанпарварлиги, элу юрт тинчлиги ва мустақиллиги, фаровонлиги йўлидаги мислсиз жасорат кўрсатган тарихий шахслар бош образ сифатида танланган. Айтиш мумкинки, уларда тарих ва замоннинг энг муҳим муаммолари акс эттирилган. Шу жиҳатдан мазкур фаслда Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» шеърий драмалари тарихий манбалар қиёсий таҳлил этилган ҳамда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлиги очиб берилган. Асарда тарихий жараён бадиий талқинга олинган бўлиб, муаллифнинг ўзи драманинг кириш қисмида бу масалага «Воқеа VIII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ўтади» дея ишора беради. Ҳақиқатдан ҳам, Мовароуннаҳр ва Хуросонда милодий 769–783 йилларда Муқанна бошчилигида Араб халифалигига қарши йирик халқ кўзғолони бўлиб ўтганлиги тарихий манбалар тасдиқлайди³². Ҳамид Олимжон ушбу тарихий ҳақиқатни ўзининг мақсад-муддаосига кўра бадиий тасвир қаламига олади. Умуман олганда Муқанна ва у раҳбарлик қилган “Оқ кийимлилар” кўзғолони мавзу бадиий адабиётимизга ўтган XX асрнинг бошларида кириб келди. Бу масалага оид Садриддин Айний, А.Якубовский, Т.Қодирова, П.Равшановлар муҳим тадқиқотларни амалга оширишди. Бирин-кетин «Муқанна исёни» очерки (С.Айний), «Муқанна» драмаси (Ҳ. Олимжон), «Санам тоғидаги гулхан» тарихий қиссаси (М.Тошпўлатов), «Муқанна» тарихий рисоласи (Ғ.Каримий) дунёга келди. Шу билан бирга Муқанна ва унинг раҳнамолигидаги халқ ҳаракати тўғрисида жаҳон адабиётшунослигида ҳам диққатга сазовор ишлар дунёга келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, эронлик ижодкор Саид Нафисий ҳамда машҳур аргентиналик ижодкор Луис Борхес Муқанна тўғрисида ҳикоялар яратишгани адабиётшуносликка маълум³³.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шеърий драма поэтикасига хос айрим жиҳатлар”** деб номланган ва икки фаслдан таркиб топган. Дастлабки фаслда XX асрда яратилган шеърий драмалар композициясида монолог ва диалогнинг бадиий вазифалари ёритилган. Адабиёт назариясида диалог ва монологнинг бадиий асардаги вазифалари В.Хализев, Н.Тамарченко, Б.Томашевский, В.Тюпа³⁴ каби назариётчи олимларнинг ишларида ёритилган. Шу билан бирга бу воситалар композицион восита сифатида Н.Ю.Салова, О.Ю.Рождественская, И.П.Зайцева, Кан Су Кю³⁵ сингари рус

³¹<https://thebeckestory.org.uk/pilgrimage/st-thomas-becket>

³² Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 35.

³³ Каримий Ғ. Муқанна. – Тошкент: Абу-матбуот консалт, 2011. – Б. 3.

³⁴ Хализев В.Е. Теория литературы. М.: Высшая школа, 2002. – С.438. Хализев В.Е. Драма как род литературы. М., 1986. – С. 323-326. Тамарченко Н.Д. Повествование // Введение в литературоведение. М, 1999. – С. 451. Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. М, 2001. – С. 98. Тюпа В.И. Жанр и дискурс // Критика и семиотика. Вып. 2011. – С. 31-42.

³⁵ Салова Н.Ю. Монолог как компонент художественной структуры эпического и драматического текстов : На материале художественных произведений М. Фриша и Ф. Дюрренматта. Дисс. на соиск.канд.филол.наук. –Санкт-Петербург, 1999. – С. 225. Зайцева И.П. Современная драматургическая речь: Структура, семантика, стилистика. Дисс. докт.филол.наук. – Москва, 2002. – С. 444. Кан Су Кю. Диалог в эпических и

олимлари томонидан махсус ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида диалог ва монолог билан боғлиқ қарашлар, асосан, И.Султон, Д.Қуронон сингари назарийчи олимлар ишларида ўз аксини топган. Иззат Султоннинг фикрича: “Диалог драмада фикрий “қиличбозлик”дир: бир персонажнинг зарбаси унинг қаршисидаги персонажнинг ҳам зарбасига сабаб бўлади”³⁶. Ҳақиқатан, диалог фикрлар жанги сифатида асарда драматизм кучайтириш, конфликтни ёрқинлаштиришга хизмат қилади. Д.Қуронон драматик асарларда диалогик нутқнинг устуворлик қилишини таъкидлайди³⁷. Ушбу фаслда шу тадқиқотларга муносабат билдирилган. Драматик турнинг специфик хусусиятларидан бири – қаҳрамонлар одатда бир-бирлари билан ўзаро гаплашадилар ва бутун сюжет оғзаки мулоқот орқали олиб борилади. Бу, илмий тил билан айтганда, монолог ёки диалог орқали намоён бўлади. Монолог фақатгина бир қаҳрамон тилидан бўлса, диалог эса ҳар доим икки ёки ундан ортиқ иштирокчини талаб қилади. XX аср инглиз драмаларида монолог муҳим ўрин тутди. Адабиётшуносликда унинг бир неча хили фарқланади.

1. Ички монолог (interior monologue). Бинобарин, инглиз тили луғатларида унинг бир қатор таърифлари келтирилган: “Одатда монологда қаҳрамоннинг фикри ва ҳиссиётининг кенгайтирилган тасвири акс этади”³⁸. Бошқа бир ўринда: “Қаҳрамоннинг ички туйғуларини очиб берадиган онг оқими тури”³⁹, дейилган. Булар асосида ички монологни қаҳрамон руҳияти, қалбида кечадиган ўй-фикрларнинг бадиий тажассуми сифатида талқин этиш мумкин. В.Б.Йейтснинг “The Shadowy Waters” (“Соёли сувлар”), “The Countess Cathleen, Cathleen Ni Houlihan”, “The King’s Threshold and Deirdre” (“Графиня Кетлин”, “Кетлин Ни Хоулихан”, “Қирол остонаси” ва Дейрдре”) каби фожиали драмаларида персонажлар ва вазиятларга муносабатда драматик конвенциялар сақлаб қолинган. “Яккахон” персонажлар, хусусан, Форгаел, Катлин, Дейрдре, Шончан – кўпинча ҳеч кимга айтолмаган фикрларини ўз-ўзларига сўзлайдилар: уларнинг овозлари бошқалардан фарқли ўзларининг ижролари билан ажралиб туради. Ушбу ижролар қарғиш, сеҳрлаш кабилар бўлиб, аксинча ёлғизлик кучини сақлаб қолишади. Бундай нутқлар тушларни саҳналаштириш воситаси, уйғониш ва уйқу ўртасидаги оралик ҳолат бўлиб, Йейтс Шеллей шеърий фалсафасида шарҳлайди. Бу ҳолатда диалог интерперсонал – қаҳрамон ўзи билан ёки ўзини ўзи тергаш ҳолатини ўзига қарши бўлган бошқа ўзлиги билан гаплашади ... у самимий сўроқ ёки ўзини-ўзи тергаш ҳолатини ўз ичига олади:

How have I wronged her now that she is merry?

But no, no, no! Your cry is not against me.

You know the councils of the Ever-living,

драматических произведениях М.А.Булгакова. Дисс. на.соиск.канд.филол.наук. –Москва, 2004. – С. 341.
Рождественская О.Ю. Диалог: его роль и функции в творчестве Ф.М.Достоевского. Дисс. на.соиск.канд.филол.наук. –Москва, 2018. – С. 189-190.

³⁶ Sulton I. Adabiyot nazariyasi. –Toshkent: O`qituvchi, 2005. – B. 193.

³⁷ Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. –Toshkent: Abadnashr, 2018. –B. 250.

³⁸ Webster’s New World College Dictionary, 4th Edition. Copyright © 2010 by Houghton Mifflin Harcourt.

³⁹ <https://www.thefreedictionary.com/interior+monologue>

*And all the tossing of your wings is joy
And all that murmuring's but a marriage song⁴⁰.*

Юқоридаги сатрларда қаҳрамон ички ҳис-туйғулари ифода этилган. Уни еб битираётган қийноқ ва гуноҳкорлик азоби ўзини ўзи жеркишига сабаб бўлмоқда.

2. Драматик монолог (dramatic monologue). “Характер ва вазиятни фақат ўша қаҳрамоннинг ўз сўзлари орқали акс эттирувчи шеърый монолог”⁴¹. Демак, драматик монолог ҳам моҳиятан ички монологга яқин. Фақат унда характер ва турли вазиятлар қаҳрамон тилидан баён этилади. Драматик монологда ёзувчи персонажнинг овозини қабул қилиб, улар орқали гапирадиган адабий шаклдир.

Драматик монологнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Драматик монолог тури	Таърифи	Мисоллар
Романтик монологлар	Қаҳрамонлар ўзларининг романтик ҳис-туйғуларини, муносабатларини ёки истакларини тасвирлайдиган нутқлар. Бу монологлар, айниқса, драмалар ва шеърларда жуда кенг тарқалган. Улар қаҳрамонларга ўзларининг ҳис-туйғуларини ўзларининг меҳр-муҳаббатлари объектига кўрсатмасдан туриб, кучли ҳис-туйғуларни ифодалаш имкониятини беради.	Т.С.Элиотнинг “Оилавий учрашув” драмасидаги Гаррининг севги изҳори
Сухбат монологлари	Бу монологлар кенгрок сухбатнинг бир қисмини ташкил этувчи ёки шакллантириш тавсия этиладиган узун нутқлардир. Агар монологнинг сўзловчиси бошқа қаҳрамонлар билан сухбатлашса ва улар романтик эътироф қилмаса, улар сухбат монологини беришлари мумкин.	Т.С. Элиотнинг “Оилавий учрашув” драмасидаги Жералд, Эмиларнинг сухбати
Фалсафий монологлар	Қаҳрамон шахсий фалсафасини муҳокама қилиш ёки мураккаб ва муҳим мавзуларни тушунтириш учун фалсафий монологдан фойдаланилади.	Т.С.Элиотнинг “Оилавий учрашув” драмасидаги Гаррининг юнон маъбуди Эуменидга қарата айтган монолоғи

Элиот ўзининг машҳур драматик монологини 20 ёшида ёзишни бошлади. Асар қаҳрамони кекса ёшдаги Профрук бўлиб, унда Элиотнинг қалбидан кечган маълум кечинмалар ҳам йўқ эмас. Драмадаги воқелик

⁴⁰ Yeats W.B The Shadowy Waters, Var. Plays, 1900. – P. 333-334

⁴¹ Webster’s New World College Dictionary, 4th Edition. Copyright © 2010 by Houghton Mifflin Harcourt.

асосий қахрамон тилидан ҳикоя қилинади: Профрок кекса одам бўлиб, ўзининг ўсиб бораётган ёшига қарши туради, ўзининг беғараз ишқий ва жисмоний имкониятларини, беҳуда кетган деб ҳисоблаган ҳаётини баҳолайди. У ўзини давр ижтимоий муҳитининг қурбони деб билади ва умидсизликка тушиб қолади. У ўз атрофидаги дунё билан боғлана олмайдиган одам, ёлғизлик ҳақида ўйлайди:

*No! I am not Prince Hamlet, nor was meant to be;
am an attendant lord, one that will do
To swell a progress, start a scene or two,
Advise the prince; no doubt an easy tool,
Deferential, glad to be of use*⁴²

“Йўқ мен шахзода Ҳамлет эмасман, бўлишни ҳам хоҳламайман. Мен химаткор лордман, бажарувчилардан бири...” деб бошланаётган бу сатрларда Профрук Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясидаги Шахзодага ишора қилади. У ўзини шахзода эмас, ёнидаги лорд дўстлари Розенкрас ва Гилдерстерн каби деб ўйлайди. Ундан бошқалар фойдаланувчи оддий инсон деб билади ўзини. Ўз ҳаракаларига, ўз ўтган умрига қарши турган Профрук гўё уни сарҳисоб қилаётгандай туюлади. Бошидан кечирганларини маъносизлик деб билади.

XX аср ўзбек адабиётида яратилган Ҳ.Олимжоннинг “Муқанна”, Ойбекнинг “Маҳмуд Торобий”, И.Мирзонинг “Самарқанд сайқали” асаридаги монологлар таҳлил этилган ва уларнинг бадиий вазифалари очиб берилган. Маълумки, уруш йиллари ўзбек адабиётида миллий озодлик курашчилари образларини бадиий гавдалантириш адабий анъана тусини олди. Муқанна, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди сингари халқ курашчилари образлари ўша қонли йилларда жанг майдонларида жон олиб, жон бераётган ўзбек йигитларини руҳлантирди. Бинобарин, Муқанна тилидан янграган: Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ, // Ёв кўлига таслим ҳам бўлганим йўқ. // Мен элимнинг юрагида яшайман, // Эрк деганнинг тилагида яшайман⁴³, сатрлари, аввало, Ҳамид Олимжоннинг, қолаверса, шу юрт учун жанг қилаётган ўзбек йигитларининг қалб нидоси бўлиб жаранглайди. Шу билан бирга “Маҳмуд Торобий”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Имом Бухорий” драмаларида диалогнинг драматизмни кучайтиришдаги бадиий вазифалари таҳлил этилган.

Бобнинг иккинчи фаслида шеърӣ драмада образ масаласи ёритилган. Бунда тарихий мавзудаги шеърӣ драмалар кузатилса, уларда турли даражадаги образлар иштироки кузатилади. Т.С.Элиот “Профрукнинг севги кўшиғи” асари шеърӣ драматик монологдан тузилган. Саҳнада бош образнинг бир неча дақиқа ҳаракатда бўлиши антик давр саҳна асарларини эсга солади. Элиот антик адабиётдан яхшигина хабардор бўлган ва ўз драмаларида айнан шу услубни давом эттирган. Жумладан, Профрук образи табиатан тушқунликка тушган бўлишидан қатъий назар ҳаётда курашувчи, иродали инсон ифода этилган. Унинг умидсизликка тушиш сабабларидан

⁴² Eliot S The love song of J. Alfred Prufrock. <https://www.supersummary.com/dramatic-monologue/#dramatic-monologues-in-other-genres>

⁴³ Олимжон Ҳ. Муаммал асарлар тўплами. 10 томлик. 4-том. Ўзбекистон: Фан, 1981. – Б. 111.

бири ҳам умр ўткинчилигини ҳис қилиши, унинг мазмунини тушунишга интилиши, атрофидагиларнинг ўзига бўлган мубосабатларини ва ўзининг шу умрни қандай яшаб ўтаётганлигини ўйлаб жавобсиз саволлар гирдобда қолганлиги эди. У ҳамиша бир нарса ҳақида ўйлайди: инсон қачон камолотга эришади? У қачонки ўлимнинг моҳиятини тушуниб етса. Профрук ўзига "...мен журъат қила оламанми?", деган саволни ҳам беради. Умрнинг олдида инсон тирик мавжудотдан ўзга нарса емас. Профрук шуни назарда тутган ҳолда ўз қавмига: "вақтни инқирозга мажбурлаш учун кучинги борми?"⁴⁴

(Have the strength to force the moment to its crisis?), деб савол беради ва вақт олдидаги ожизликни таъкидлайди. Профрук ҳаётдан маъно излайди-ю, аммо ўз ҳаёти учун маъно ярата олмайди. Бу унинг заифлиги эди. У ўз ҳаётининг "кофе қошиқлари билан ўлчанган ..." (51) тафсилотларини эслайди, унда ҳеч қачон катта ёки мазмунли ҳеч нарса содир бўлмаган. У "деворга маҳкамланган ва ғижимланган" (58) тузоққа тушган ҳашаротга ўхшаб, ўзининг ноқулайлигидан қочиб қутула олмайди ва ҳаракат ёки ҳаракат қила олмайди. У қатъият билан ҳаракат қилишдан кўра ўзини жавобсиз саволлар билан кўп қийнайди. Замонавий дунёнинг зўравонлиги ва вайронагарчиликлари Профрукдай инсонларнинг таназули эди.

Элиотнинг яна бир энг машҳур бўлган драмаларидан бири "Коктейл зиёфати"дир. Асар қаҳрамонлари Эдвард ва Лавиния юзаки ҳис-туйғулар билан қурилган деб енгил ўйлаётган оиласини қайта тан олишади. Элиот инсон фикрининг ўзгарувчан эканлигини ва ҳаётнинг қадрига ўзидаги ниманидир йўқотганидан кейин етишини исботлайди. Асарда асосий юк номаълум меҳмон образига тушади, инсонлар характери хусусида фикр юритади ва рўй бераётган хатоларни англатиш вазифасини бажаради. Унинг қуйидаги сўзлари бунинг исботидир:

Half the harm that is done in this world
Is due to people who want to feel important.
They don't mean to do harm — but the harm does not interest them.
Or they do not see it, or they justify it
Because they are absorbed in the endless struggle
To think well of themselves.

(таржимаси: Бу дунёда етказилган зарарнинг ярми// Ўзини муҳим ҳис қилишни хоҳлайдиган//одамларга боғлиқ//. Улар ёмонлик қилишни хоҳламайдилар – лекин зарар уларни қизиқтирмайди//. Ёки улар буни кўрмайдилар ёки оқлайдилар,//чунки улар ўзлари ҳақида яхши ўйлаш учун чексиз курашга берилиб кетишган). Лавиния ва Эдвард иккаласи ҳам ўз хоҳишлари мустақил бўлишни хоҳлашган эди ва бу икки томоннинг ажрашиб кетишига олиб келади. Эдвард ҳам Лавиния ҳам ўзида гуноҳ йўқ деб ўйлашарди. Асарда номаълум меҳмон психолог томонидан инсон ўз ҳаётини ўзи тартибга солиши кераклиги айтилади. Ундаги воқеалар Элиотнинг биринчи турмушига алоқадор. Шунинг учун ҳам Эдвард образида

⁴⁴ Eliot S. The Love Song of J. Alfred Prufrock.

ёзувчи ўз ҳиссиётларини сингдирган ҳолда жонли характер яратишга муваффақ бўлган.

Ўзбек шеърий драмалари кузатилса, турли даражадаги тарихий шахслар образлари бадиий гавдалантирилганлигини кузатиш мумкин. Буни тадқиқотчи Г.Ходжиева қуйидагича гуруҳлаб кўрсатади:

“1. Тарихда муносиб ном қолдирган, комиллик рутбасига эришган машҳур тарихий шахслар ҳақидаги шеърий драмалар (Уйғун ва Иззат Султон “Алишер Навоий”, Абдулла Орипов “Соҳибқирон”, Маъруф Жалил, “Соҳибқирон”, Иқбол Мирзо “Самарқанд сайқали”, Усмон Қўчқор “Имом Бухорий” Н.Қобилнинг “На малакман, на фаришта”,).

2. Миллий озодлик курашчилари образи яратилган шеърий драмалар (Ойбек “Маҳмуд Торобий”, Ҳ.Олимжон “Муқанна”, М.Шайхзода “Жалолиддин Мангуберди”)⁴⁵.

Тасниф асосида Алишер Навоий, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди сингари образлар ташиган улўғ ғоялар очиб берилган. Шу билан бирга бадиий тўқима маҳсули бўлган образларга ҳам илмий баҳо берилган. Жумладан, “Муқанна” драмасида эрк ҳимоячисининг халқ озодлиги йўлидаги фаолияти, мардона хатти-ҳаракати, юзига парда тортиб яшириши, Гулойимга бўлган муҳаббати, душманларидан бири Сайид Баттолни ушлаганида унга кўрсатган шафқати, фожиали тақдири кабиларда йўлбошчи ва халқ бирлигининг кучи ҳаққоний кўрсатилади. Оташлар оиласи хўжаси Феруз қўлида ҳам кўп машаққатга дуч келишади. Бу эса кул оиланинг исёнчиларга қўшилишига сабаб бўлади.

«Бу кўрганинг лола эмас, ёлғиз кул»⁴⁶ деб куйинган Гулойим, «Биз кул эдик, ҳозир бутун ўлка кул»⁴⁷деб эътироф этган Оташ, «Гўзал шаҳар бойқушларга ошиён»⁴⁸ дея фиғон чеккан Гулободда норозилик кайфияти босқичма-босқич кучайиб бораверади. Буни асар қаҳрамонларининг ўзаро диалоглари ва ундаги руҳий ўзгаришлар орқали англаш мумкин. Ўз-ўзидан оила бутун халқ, бутун водий эргашаётган миллат жонкуяри Муқанна тарафига ўтади.

Яна бир ўринда Ғирдак Ҳишрийнинг:

У киради қар кун менинг тушимга,
Куни бўйи келолмайман ҳушимга.
У қайда у?

деб берган саволига жавобан шундай дейди:

Душманларнинг босқинидан қутулмоқ
Бўлган ҳар ким, ўз устига кийиб оқ,
Келиб қабул этсин менинг йўлимни
Фақирларга узатаман қўлимни
Менга келсин барча жабр кўрганлар,
Уйи куйиб, қўча-қўйда юрганлар.

⁴⁵ Ходжиева Г. Ўзбек шеърий драмаси. – Бухоро, Дурдона, 2020. – Б. 102-103.

⁴⁶ Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 4-том. – Ўзбекистон: Фан, 1981. – Б.11.

⁴⁷ Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 4-том. – Ўзбекистон: Фан, 1981. – Б.12.

⁴⁸ Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 4-том. – Ўзбекистон: Фан, 1981. – Б.13.

Муҳаммади, Исоси ҳам ўзимман,
Иброҳими, Мусоси ҳам ўзимман...»⁴⁹

Оддий инсонийлик улуғланган бу сўзларда мардлик, инсонпарварлик ғоялари, замонага ҳамнафаслик барқ уриб турибди. Унда янги динни зўрлаб киритишга қарши исёнкорлик, қатъий курашга чақириш руҳи мужассамдир. Воқеаларнинг давоми сюжет ва конфликтнинг ривожиди Муқаннада бўлган халқпарварлик, жасорат, ҳар қандай асорат ва қулликка қарши исёнкорлик, Оташнинг қизи Гулойинга бўлган қайноқ муҳаббат, садоқат сингари фазилятлар намоён бўлганлиги таъкидланган.

Ушбу фаслда Жалололдин Мангуберди (“Жалололдин Мангуберди”), Имом Бухорий (“Имом Бухорий”) Алишер Навоий (“Самарқанд сайқали”), Маҳмуд Торобий (“Маҳмуд Торобий”) сингари Ватан ва миллат тақдирида муҳим роль ўйнаган машҳур тарихий шахслар образлари таҳлил этилган.

ХУЛОСА

Биринчидан, адабий жанрлар системаси динамик характерга эга бўлиб, улар пайдо бўлади ва замонлар ўтиши билан барқарорлашиб боради. Шеърӣ драма ҳам шундай жанрлар силсиласида туради. XX асрда инглиз адабиётида бадий таракқиётга эришган ва ўзбек адабиётида бадий воқеликка айланган шеърӣ драма антик давр адабиёти, жаҳон адабиёти ва ўзбек мумтоз адабиётининг синтези сифатида юзага келди.

Иккинчидан, жанр синкретизми жараёни маҳсули бўлган шеърӣ драма лирик, эпик ва драматик тур хусусиятларини ўзида сингдира борди, динамик характер касб этди ва замонлар ўтиши билан барқарорлашиб борди. Инглиз адабиётшунослигида эса “verse drama”, “poetic drama”, “dramatic poem”; рус адабиётшунослигида “лирическая драма”, “поэтическая драма”, “стихотворная драма” каби терминлар орқали ифода этилган шеърӣ драма инглиз адабиётида кўп асрлик шаклланиш ва таракқиёт босқичларига эгадир.

Учинчидан, инглиз адабиётшунослигида поэтик драма “қалблар суҳбати” тарзида талқин этилган. Шу жиҳатдан бу жанр жанр синтези жараёни маҳсули сифатида лирик, эпик ва драматик тур хусусиятларини ўзида сингдира борди. Шеърда лирик “мен” орқали воқеликка руҳий муносабат билдириш, қаҳрамоннинг ички кечинмалари тасвирига кенг ўрин бериш мумкин бўлади.

Тўртинчидан, Эсхил трагедиялари, Софоклнинг Эдип ҳақидаги ривоятлар асосида ёзилган асарлари шеърӣ драма генезисини белгилаб беради. Шеърӣ шакл орқали юнон ижодкорлари бутун бошли романда берилиши бўлган мумкин бўлган кенг қамровли воқеаларни ифодалашга эришганлар. Антик адабиётдаги катта ҳажмли асарларни шеърда ёзиш анъанаси Уйғониш даври инглиз адабиётида, хусусан, Вильям Шекспир ижорида давом этди. В.Шекспирдан сўнг немис адабиётининг таниқли намояндаси Фридрих Шиллер “Макбет”, “Макр ва муҳаббат” асарларини шеърда ёзган. Бу ҳам жанр тадрижийлигини кўрсатиб туради. Ўзбек

⁴⁹ Олимжон Ҳ. Мукамал асарлар тўплами. 10 томлик. 4-том. – Ўзбекистон: Фан, 1981. – Б.34.

адабиётида шеърий драманинг генезиси мунозара жанридаги асарларга бориб туташади. Унинг шеърда ёзилиши; айтишув, диалогга асосланиши каби жиҳатлари шеърий драмага боғлаб туради.

Бешинчидан, рус адабиётида эса А.С.Пушкин, Ю.Лермонтов А.Блок, С.Есенин, М.Цветаева каби шоирлар томонидан бу адабий анъана муваффақиятли давом эттирилди. Рус адабиётида “шеърий драма”га синоним сифатида “поэтик драма” (“поэтическая драма”, “стихотворная драма”), “лирик драма” (“лирическая драма”) терминлари юзага келди. XIX-XX аср оралигидаги адабий эврилишлар маҳсули сифатида шеърий драманинг специфик хусусиятлари: жанр намуналарининг сидирғасига (рemarkа бундан мустасно) шеърда ёзилиши; лиризмнинг устуворлик қилиши, улар асосига маънавий муаммоларнинг қўйилиши; лирик “мен” муаллифнинг ўзи эканлиги; бадий тўқима орқали лирик кечинма, исёнкор туйғуларни ифодалаш мумкинлиги; воқеликка ҳиссий муносабат билдиришнинг устувлиги сингариларда намоён бўлганлиги кузатилади.

Олтинчидан, инглиз шеърий драмаларида, жумладан, В.Б.Йейтснинг “Шоҳ остонаси” (“The King’s Threshold”) асрида синкретиклик мусиқа, санъат ва шеър уйғунлиги кузатилади. Буни қаҳрамонлар нутқининг мусиқа билан уйғун берилишида кўриш мумкин. Т.С.Элиот асарларида лирик элементлар драматизм билан уйғунлик касб этган. Шеърий шакл шу нуқтадаги кескинлик ва зиддият ҳолатларини ёрқин кўрсатиб беришга хизмат қилган Т.С.Элиот ва Йейтс драмаларида *aside* вазифасини хор ёки учинчи шахс тарзидаги ровий (хикоячи) бажарган.

Еттинчидан, бадий асарда, хусусан, драма структурасида диалог ва монолог муҳим ўрин тутганлиги рус адабиётшунослигида кенг ва атрофлича тадқиқ этилганлигини таъкидлаш зарур. Мазкур тадқиқотларда диалогнинг драма бадий структурасида воқеалар ривож, характерлараро тўқнашувларни очиб берувчи муҳим унсур эканлиги ёритилган.

Саккизинчидан, фалсафий монологда қаҳрамон ўзининг ҳаёт йўли сарҳисоби, ҳаёт фалсафаси тўғрисида фикр юритиб, келажақда тўғри йўлни танлай олиши *uchun* жавоб излаётгани, фаришталарга ҳамроҳ бўлишини таъкидлайди. Т.С.Элиотнинг деярли барча драмаларида ўта кучли пафос акс этган диалог ва монологлар яратилган. XX аср инглиз драматургиясини ўзининг модерн лирикаси билан ҳамоҳанг қилиб юборган шоирнинг барча қаҳрамонлари янгича фикрлар, янгича дунёқарашга эга шахслардир.

Тўққизинчидан, XX аср бошлари ўзбек адабиётида бадий воқеликка айланган шеърий драма, аввало, янги жанр, шу билан бирга, Ғарб ва Шарқ адабий адабий анъаналари синтези маҳсули сифатида муҳим аҳамият касб этди. Фитрат, Усмон Носир ижодида юз кўрсатган мазкур жанр намуналари сидирғасига шеърда ёзилиши, диалог ва монологлардан тузилиши, лиро-эпик тасвир асосига қурилиши сингари жиҳатлар билан синкретик мазмунга эга бўлди.

Ўнинчидан, XX асрда тарихий мавзу барча жанрлар қатори шеърий драмада ҳам етакчилик қилганлиги кузатилади. Бундан мақсад халқ тарихи қатламларига чуқур назар солиш, миллат тақдирида муносиб ном қолдирган

сиймолар образларини бадий гавдалантиришдан иборатдир. Диалог, монологлар ва тарихийлик тамойили драмага хос жиҳатларни; воқеликни фалсафий-лирик услубда идрок этиш, қаҳрамонона-романтик образ яратиш, фалсафий-психологик ёндашув эса шеърий шаклга хусусиятларни намоён этади.

Ўн биринчидан, ўзбек шеърий драмаларида яратилган тарихда муносиб ном қолдирган миллий озодлик курашчилари образи орқали ўзбек халқи тарихининг муҳим қатламлари қаламга олинган ва миллий истиқлол илдизларини очишга, миллий ғурур туйғулари психологиясини очиб беришга эришилган.

Кўринадики, шеърий драма Ғарб ва Шарқ адабий анъаналари, синкретизм маҳсули сифатида бадий такомил топди ҳамда XX аср инглиз ва ўзбек адабиётининг етакчи жанрларидан бирига айлана олди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИКРАМОВА АЗИЗА АМИНОВНА

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ РАЗВИТИЕ ПОЭТИЧЕСКОЙ ДРАМЫ В
ТВОРЧЕСТВЕ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ ПОЭТОВ XX ВЕКА**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и
переводоведение**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2021.4.PhD/Fil2104 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Кувватова Дилрабо Хабибовна
доктор филологических наук (DSc), профессор

Официальные оппоненты: Каршибаева Улжан Давировна
доктор филологических наук (DSc), профессор

Хажиева Феруза Мелсовна
Доктор философии по филологическим наукам (PhD),
доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «21» ноября 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению учёных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрировано за № 191). (Адрес: 200118, г. Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел.: (0365) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан «07» ноября 2022 года.

(Протокол-реестр рассылки № 22-25 от «07» ноября 2022 года.)



Д.С. Ураева
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор филол.
наук, профессор

З.И. Расулов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, кандидат
филол. наук, доцент

М.М. Жураева
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол. наук (DSc)
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении уделяется пристальное внимание вопросам теории литературных типов и жанров, в частности основам происхождения поэтической драмы и протекающих в ней синкретическим и синтетическим процессам, древности поэтической формы. В частности, важное значение приобретает целостное изучение таких научных проблем как генезис, характер поэтической драмы, факторы, повлиявшие на ее формирование, синкретизм, тема и идея, композиция и сюжет, трактовка историчности и современности, образ художественного мышления поэта и природа лирического героя.

В мировой литературоведении ведутся исследования теории поэтической драмы, поэтики, характера лирического героя, гармонии исторической действительности и художественного вымысла, особенностей поэтической речи, процессов пересечения свойств драматического и лирического типов, человеческая интерпретация в драматургии, художественная время в исторической драме, роль ремарки в драматическом тексте, проводится исследование художественного языка. В связи с этим уделяется особое внимание развитию научно обоснованных концепций, касающихся связи формирования поэтической драмы в английской литературе с творческо-эстетическими опытами античности и мировой литературы, присущими ей поэтико-композиционными особенностями, синкретизмом в лирическом и драматическом типах, художественные функции монолога и диалога в структуре поэтической драматургии, углубленному исследованию процессов синтеза преимуществ поэтической формы, особенностей эпичности, драматизма, лиричности.

При переходе нашей страны на новый этап реформ коренные изменения в области науки в определенной степени определили направления литературоведения и его приоритетные задачи. В частности, ведется целенаправленная научно-исследовательская работа, связанная с изучением особенностей поэтической драмы, сложившейся и совершенствовавшейся в английской и узбекской литературе, факторов возникновения жанра, масштаба и тематики изображения в ней, приоритета лирического выражения, проявлений драматизма и эпизма, вопросов синкретизма. В частности, значителен тот факт, что в литературоведении создано несколько научных исследований по проблемам поэтического языка и стиля узбекской драмы, художественного стиля мышления автора. Ведь важной задачей определено «создание необходимой среды и условий для широкой пропаганды среди молодежи богатой истории нашей страны, ее уникальной культуры и национальных ценностей, передачи достижений мировой науки и литературы»¹. Также существует необходимость дальнейшего углубления научных исследований по изучению статуса поэтической драмы в английской и

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 16 январь. – Б. 4.

узбекской литературе, генезиса, природы жанра, вопросов литературного синтеза.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УФ-4797 “О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои” от 13 мая 2016 года, №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 года, №УП-5850 “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, Постановлении №ПП-2894 “О создании Аллеи литераторов в Национальном парке Узбекистана имени Алишера Навои» от 18 апреля 2017 года, №ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года, Решении №-Р-4789 «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 12 января 2017 года, Обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года, а также других нормативно-правовых документов относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Формирование системы инновационных идей и их реализация в социальном, правовом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства”.

Степень изученности проблемы. Теория поэтической драмы в английском литературоведении исследована в работах таких ученых как Г.Баркер, Д.Донну, Ж.Л.Стьян, Х.Д.Ф.Китто, И.Славинска, А.Николл, Т.С.Элиот². В русском литературоведении данный вопрос специально изучен в работах таких ученых как Л.Садыкова-Грачева, Б.Алперс, А.К.Минакова, Ч.Добрев, Л.Г.Пригожина, Гончарова-Грабовская, О.К.Страшкова, О.В.Журчева, Т.О.Власова, М.Меньшикова, Д.Н.Катышева³.

² Granville-Barker, H. Theatre arts Anthology. New York: Atheneum, 1953. – P.85. M. Boulton. The anatomy of drama. London: Routledge and Kegan. 1960. – P. 115. Irena Slawinska. Sceniczny gest poety. Krakow: Wydawnictwo Literackie. 1960. – P. 232-236. H.D.F. Kitto. Form and meaning in drama. London: Methuen and Co. Ltd. 1964. – P. 231. J.L. Styan. The elements of drama. Cambridge: Cambridge University Press. 1959. – P. 177 Denis Donoghue. The third voice – modern British and American verse drama. Princeton, New Jersey: Princeton University Press. 1959. – P.3-18.

³ Садыкова-Грачева. О советской лирической драме 50-60-х годов. – Ташкент: 1972. Алперс Б. Судьба лирической драмы «Патетическая соната» в камерном // Театральные очерки. В 2 т. – М.: Искусство, 1977. Минакова А. К проблеме лирической драмы XX века (Блок, Маяковский, Есенин) // Проблемы советской литературы (метод, жанр, характер). – М.: 1978. – С. 21. Добрев Ч. Лирическая драма. – Москва, Искусство, 1983. Пригожина Л.Г. Проблемы поэтической драмы и советский театр рубежа 1920-1930-х годов. Учебное пособие. – Л., 1991. – 74 с. Гончарова-Грабовская. Поэтика современной русской драмы (конец СС - начало ССІ века). – Минск, 2003. – 64 с. Страшкова О.К. Смыслы и формы «новой драмы» в истории русской драматургии конца XIX – начала XX века: дисс. док. филол. наук. – Ставрополь, 2006. – С. 58. Журчева О. Проблемы становления жанра «лирическая драма» в русской драматургии XX века // Известия Самарского научного центра Российской академии наук. 2008. – С.222-228. О.В.Журчева. Жанровые и стилевые тенденции в драматургии XX века. Учебное пособие <http://www.ssu.samara.ru/~scriptum/drama.doc.>; Власова

В этих произведениях в монографическом плане освещено то, что лирическая драма (стихотворческая драма) возникла в русской литературе XIX века в творчестве А.С.Пушкина и Ю.Лермонтова, сюжет которого уходит корнями в греческую мифологию, достигла совершенствования в начале XX века особенности его жанрового характера.

В узбекском литературоведении взгляды, связанные с жанром поэтической драмы рассмотрены в исследованиях И.Султона, Х.Абдусаматова, Т.Бобоева, И.Жабборова, Н.Каримова, М.Саидхонова, М.Умаровой, М.Фозиловой, М.Азизовой, М.Алиева, Б.Имомова, Ш.Ризаева, А.Солиева⁴ и в процессе исследования жанровых особенностей было выражено отношение к драматическим произведениям, написанным в стихотворной форме. Особенно в этом направлении наиболее весомыми считаются исследования И.Султона, Х.Абдусаматова, Б.Имомова. Кроме того, в исследованиях юной исследовательницы Г.Ходжиевой рассмотрены вопросы возникновения, генезиса и художественного развития поэтической драмы в узбекской литературе⁵.

